



Инсонда ҳам кандайдир кароматлар зухур этиши мумкин. У ўзига берилган имконият туфайли гурур ва кибрга ботади. Ботиний хикматларни англамаган инсон Аллох таоло уни кодир этиб кўйганига шукрона келтириш ўрнига Яратганнинг ўзига карши тугёнга тушади.

Иброхим (а.с.) даврларида хукмдор подшоҳ Намруд ана шундай тугёнга кетган кишилардандир. «Бакара» сурасининг 258-ояти каримасида ана шу хукмдорнинг Иброхим (а.с.) билан Парвардигори Олам хакида тортишгани баён килинган: «Аллох салтанат берганидан (гурурланиб), Иброхим билан унинг Рабби хусусида бахslashган кимсани (Намрудни) кўрмайсизми?! Иброхим: «Менинг Раббим тирилтиради ҳам, ўлдиради ҳам», деганида, у: «Мен (хам) тирилтираман ва ўлдираман», деди. Иброхим айтди: «Аллох Куёшни машрикдан чикаради, сен уни магрибдан чикаргин-чи?» Бас, (ўша) кофир (гап тополмай) лол бўлиб колди. Аллох золим кишиларини хидоят сари йўлламагай».

Мўминга бирор неъмат ато этилса, у Аллохга беадад шукроналар айтади. Кофирга неъмат ато этилса, куфри ортади, тугёнга кетади. Подшоҳ Намруд худди шундай шахс. Аллох унга мулк берди, подшоҳлик ато этди. Кофирлиги туфайли султонлик имтиёзини, хукмдорлик мавқеини «хар ишга кодир» Тангри сифатига тенгланшириб, хаддидан ошиб, тугёнга кетди. Ўзи ожиз банда эканини, неъматларни унга Аллох берганини унутиб, худолик даъвосини кила бошлади.

Аллох берган неъмат сабабидан Аллохни инкор этиш канчалик катта куфр. Карангки, Намруд Аллох унга подшоҳлик бериб кўйгани сабабидан Иброхим билан Парвардигори хакида хужжат талашди.

Албатта, халкнинг ихтиёри хокимнинг тасарруфида бўлади. Хамма унинг амрига бўйсунганлиги боис Намруд одамларни тирилтириш ҳам, ўлдириш ҳам кўлимдан келади, деб ўйлай бошлайди. Аллохнинг сифатларини ўзига нисбат беради. Инсоннинг тугилиши, вафот этиши, тирикдан ўликнинг, ўликдан тирикнииг чикиши, кундузнинг кечага, кечанинг кундузга айланиши, куёш ва ойнинг аник ҳисоб билан харакат килиши илохий мўъжизалардир. Шундай мўъжизалардан бирини Намруд ҳам яратиб кўрсин-чи?! Иброхим (а.с.) Аллохнинг чексиз кудратини, унинг мўъжизакорлигини таъкидлаб: «Менинг Парвардигорим тирилтиради ва ўлдиради», деганларида худолик даъво килувчи подшоҳ хокимлик имтиёзини тангрилик сифатига тенглаштириб: «Мен тирилтираман ва ўлдираман», дейди. Исботи учун икки кишини чакиртириб, бирини ўлдиради ва бирини тирик кўйиб юборади. Шунда Иброхим (а.с.) Аллохнинг кудратини

намоён этувчи биргина мўъжизани эслатиб, кофир подшоҳни лол колдирадилар: Куёшнинг машрикдан чикиб, магрибга ботиш жараёни, унинг мунтазам даврийлиги борликнинг улуг низоми - улкан мўъжизасидир. Аллох тартибга солган бу интизомни ким ўзгартира олади? Бу кудрат ягона Аллохга хос. Сен ҳам худо бўлсанг, кани «куёшни магрибдан чиқаргил-чи?» деганларида кофир подшоҳ лол колган.

Пушкиннинг «Куръондан иктибос» туркуминииг тўртинчи шеъри «Бакара» сурасининг юкорида фикр юритилган биргина 258-оятда кикоя килинган ривоят асосида яратилган. Шоир оят мазмунини тўлик баён этган. Шеърнинг бутун руҳига Аллох кудратининг чексизлиги ва мўъжизакор кудрат факат Аллохга хос эканлиги гоёси сингдирилган.

Верёвкинда: *«Не рассуждаете ли вы дѣяніе такового коему даль Господь царство? Какъ состязается онъ о Богъ со Авраамомъ? Авраамъ рекъ ему: Господь мой даётъ жизнь и смерть. Онъ же: Я даю смерть и животь изъ подданнмхъ моихъ, кому и хошу. Авраамъ: Богъ подъямлетъ солнце съ востока, падними его съ запада: Неверный смутился умомъ»*, деб таржима килинган оятнинг руҳи, баён тартиби Пушкин шеърида тўлик сакланган. Факат Пушкин куфр даражасини зиёдалаштириш максидида подшоҳ Намрудни Иброхим (а.с.) билан эмас, Аллохнинг ўзи билан мунозарага киритади ва:

Дединг: «Ерга бахш этиб хаёт,
Жазоларман ўлим билан бот,
Измидадир менинг бор дунё.
«Мен ҳам, — деди у, бериб хаёт
Жазоларман ўлим билан бот
Мен сен билан тенгман, эй худо».

Худди Куръон оятида таъкидланганидек, подшоҳнинг Аллох билан бахслашишига сабаб килиб Намруднинг хокимлик имтиёзидан маст бўлиб-кибрланиб тугёнга кетишини кўрсатади шоир ҳам. Худолик ва хар ишга кодирлик даъвосини килган подшоҳ шеърда ҳам Аллохнинг биргина мўъжизаси олдида акли лол бўлиб колади. Пушкин подшоҳни мот килиб, бахсни яқунловчи мўъжизани Иброхим (а.с.) эмас, Аллохнинг ўз номидан таъкидлаб, шеърни шундай тугатади:

Лек сендаги илохий шахтдан
Ўчди осий такаббур уни:
«Мен кўтаргум куёшни Шаркдан
Кани, кўтар Гарбдан сен уни!»

Хакикий шеърят хамиша маънолар уммони бўлиб келган. Кўпмаънолилик бадий

ижодда шеърий заковотга мўъжизавийлик бахш этувчи сифатлардан саналади. Пушкин мукаддас Куръон оятининг бутун мохиятини, умумий руҳини аниқ талкин килатуриб, факат бир холатни ўзгартиради: «Кофир подшоҳ Намруднинг Иброҳим (а.с.) билан эмас, бевосита Аллохнинг ўзи билан бахслашмогини маъкул кўрди. Сабаб: Неъматга куфр келтирган шохнинг нкадар дахшатли тугёнга кетганини бўрттирмокчи бўлди. Шоирнинг муаззам бир сурадан мазкур оятга диккат эътиборини жамлаши бежиз эмас эди, албатта.

Пушкин «Куръондан иктибос» шеърини шохнинг тазйикига учраб, Михайловское кишлогига сургун килинган даврда яратганини айтдик. Тасаввур килинг, 25 ёшлик навкирон шоир. Инсон умрининг энг гўзал мавсуми. Илхом булоги кайнаб, гуллаб-яшнаб ижод килиши мумкин бўлган бир даврда занжирбанд килиб, сор бургутни кафасга солдилар. Ўзини мутлак хоким санаган замонавий Намруд - шох Александрнинг Иброҳим (а.с.) билан бахслашиб худолик даъвосини килган Намруддан нима фарқи бор? У намрудни далил билан Иброҳим (а.с.) мот килдилар. Лекин бу намрудга Яратганнинг ўзи бас келмаса, эзгулик даъватчиси бўлган шоир бас келолмайди.

Багри эзгулик чечакларидан бўстонга айланган, кўнгли комиллик иштиёкидан мунаввар бўлган, калбидаги алангаси хар кандай хираликни йўкотувчи ёруг нурни оламга улашмокка тайёр турган, хурликка ташна бир вужудни сургундек зулмат исканжасида сактгаётган хукмдорнинг «Мен хар бир ишга кодирман», деган зулми устидан хукм чикарувчи хокими мутлак борлигини эслатадиган оят Пушкинга «тасалли фариштасинииг унлари» бўлиб эшитилган бўлса, ажабмас.

Дилбар Камбарова

“Куръон бахш этган илхом” китобидан